

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВ МАМАДЖАН АХМАДЖАНОВИЧ

**ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ
МОҲИЯТИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи, 07.00.04 – Диншунослик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018 йил

УДК: 930.1.

УДК: 291.1.

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертациидоктора наук (DSc) по философским наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc) on philosophical sciences

Маматов Мамаджан Аҳмаджанович

Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти..... 3

Маматов Мамаджан Аҳмаджанович

Историко-философская сущность суфийского учения..... 33

Mamatov Mamadjan Ahmadjanovich

The Historical-philosophical essence of suphism..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВ МАМАДЖАН АХМАДЖАНОВИЧ

**ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ
МОҲИЯТИ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи, 07.00.04 – Диншунослик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018 йил

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2017.1.DSc/Fal11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг www.tiu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Нурматова Мукаррам

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Шодиев Рустам

Фалсафа фанлари доктори, профессор

Останаккулов Икромиддин

Тарих фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ислом университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tag/Fil.14.01 рақамли бир марталик илмий Кенгашнинг 20 февраль 2018 йил соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244-94-70, Факс: (99871) 244-00-65, e-mail: tiuxab@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент ислом университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (48 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

А.А.Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

С.С.Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тасаввуф диний-ирфоний таълимоти ислом динининг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Ундаги комил инсон ғояси, юксак маънавий фазилатларни шакллантириш йўлларини кўрсатувчи диний-ахлоқий меъёрлар ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, кишиларни эзгуликка, яратувчанликка, жамият тараққиётига ҳисса қўшиб, бошқа динлар ва конфессиялар вакиллари билан муросада, келишиб яшашга ундаб келган. Исломнинг жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган инсонпарвар дин сифатида тарқалиши бевосита тасаввуф таълимоти билан боғлиқ. Чунки «хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат» мамлакатимизда стратегик вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди¹.

Мустақиллик йилларида муқаддас ислом динининг кенг тараққий этиши, ҳамда унинг замирида пайдо бўлган тасаввуф таълимотининг илғор ғояларини ўрганиш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичи бошланиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан дин соҳасида ҳам қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди ва амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Ислом академияси, Ислом маданияти халқаро маркази ташкил этилиб, иш бошлади. Бухоро шаҳрида тасаввуфшунослик мактаби фаолият кўрсатмоқда. Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Ғиждувоний каби машҳур мутасаввифлар юбилейлари нишонланди. Тасаввуф таълимотининг йирик намоёндалари илмий ижоди намуналаридан кўплаб асарлар нашр қилинди.

Жаҳоннинг барча демократик давлатларида фуқароларнинг виждон эркинлигига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Шунинг учун диний муносабатларни ривожлантириш, турли эътиқод вакилларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, фуқароларнинг маънавиятини янада юксалтириш, кўп конфессиялик шароитида динлараро тотувликни таъминлаш, замон талабларига мос келадиган ҳар томонлама етук инсон шахсини яратиш муаммоларини тадқиқ этиш фалсафа фанининг энг муҳим масалаларидан биридир. Кўп миллатли Ўзбекистонда диний бағрикенгликни ривожлантириш масалаларини консенсус асосида ҳал этиш, турли миллат вакилларининг манфаат ва эҳтиёжларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммоларнинг илмий ечимларини топишда эришилган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Булар мустақиллик йилларида халқимиз тарихини ўрганиш, «муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // «Халқ сўзи», 2017 йил 20 сентябрь.

тиклаш, кадамжоларини обод қилиш»² борасидаги улкан ишлар ҳисобланади. Республикамиз раҳбари БМТ Бош ассамблеясининг 72 сессиясида «Бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни муҳим вазифа»³ эканлиги тўғрисидаги хулосасини давом эттириб, Олий мажлисга мурожаатномасида ислом динининг, жумладан, тасаввуф таълимотининг асосий тамойилларидан бири бўлган диний бағрикенгликни таъминлаш соҳасида устувор йўналишларни белгилаб берди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 февраль ПФ-2774-сон «Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизация марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁵. Тасаввуф таълимотининг ижтимоий-фалсафий ва тарихий масалаларига оид тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлари, жумладан, The George Washington University, Centre of scientific investigation of Central Asia (АҚШ), Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society (Германия), Centre International investergate of Oxford University, School of Culture, religions and politicly in Asia (Буюк Британия), University of Wester Ontario (Канада), Institute of Central Asia (Франция), Institute of International relation (Швеция), Damascus University (Сурия), Cairo University (Миср), Turkish Religiuos Foundation

² Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. //Ҳидоят, –Тошкент. 2017. –№ 6. 7 -б.

³ Мирзиёев Ш.М. Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи. /Халқ сўзи, -Тошкент, 2017. 20 сентябрь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаати. /Халқ сўзи, Тошкент. 2017. -№ 258 (6952).

⁵ <https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, <https://uzbekistan.fr/en/uzbekistan-france>, www.ucentralasia.org, www.nti.org, <https://www.auca.kg>, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk, nirc.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org><https://ru.wikipedia.org><https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.dba.uz, www.damasuniv.edu.sy; <http://www.darelom.cu.edu.eg>; <http://www.isam.org.tr>; <http://www.kazankiu.ru>; www.uzhistory.uz, www.nuu.uz. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Centre for Islamic Studies, Suleymaniye Library (Туркия), Поволже Қозон федерал университети (Россия), Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти, Тошкент ислом университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда. Тасаввуф таълимоти асосий ғояларидан бири – диний бағрикенглик масалаларига тегишли турли жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган илмий изланишлар ЮНЕСКО, Лос-Анджелес Бағрикенглик музейи (Simon Wiesenthal Center Museum of Tolerance. АҚШ, Лос-Анджелес), Бағрикенглик таълими маркази (Tolerance Education Center. АҚШ), Диний бағрикенглик маркази (Center for religious tolerance. АҚШ, Флорида, Сарасота шаҳри), Болалар бағрикенглик маркази (The Kidsbridge Tolerance Center. АҚШ, Нью-Джерси), Принстон университети динларни ўрганиш маркази (The Center for the Study of Religion. АҚШ, Нью Джерси, Принстон), Марказий Европа университети қошидаги динларни ўрганиш Маркази (Center for Religious Studies The Central European University. Венгрия, Будапешт), Холокост ва Бағрикенглик маркази (Hong Kong Holocaust and Tolerance Centre – НКНТС. Гонконг) каби илмий тадқиқот марказлари ва муассасалари фаолиятидан кенг ўрин эгаллаган⁶.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тасаввуф таълимоти ижтимоий-диний ҳаётнинг деярли барча тармоқлари ва мусулмонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли бўлиб, ислом дини тарихининг илк пайтларидан буён олимлар илмий ижодининг муҳим мавзуларидан бири бўлиб келган. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг маънавият масалаларига бағишланган асарлари⁷, мамлакатимиз ҳаётининг янги ривожланиш босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни барқарор ва изчил ривожлантириш, демократик жараёнларни янада чуқурлаштириб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ислом динининг софлигини асраш, шу билан бир қаторда кўп миллатли халқимиз онгида динлараро бағрикенглик ғояларини миллий қадриятларимиз сифатида янада кенгроқ ёйишга ва Республикада илғор демократик принципларга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантиришга оид концептуал ғоялари⁸ тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Тасаввуф таълимотиغا оид асарларни, тадқиқотларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳга мутасаввифларнинг ўз диний-ирфоний қарашлари ва тажрибаларини баён этган асарлар киради. Бу борада

⁶ <http://en.unesco.org/>; <http://www.museumoftolerance.com/site/c.tmL6KfNVLtH/b.9052747/k.BEE4/Home.htm>; <https://www.toleranceeducationcenter.org/>; <http://www.c-r-t.org/>; <http://kidsbridgecenter.org/>; <http://csr.princeton.edu/>; <https://religion.ceu.edu/>; <http://www.holocaustremembrance.com/itfdirectory/organization/show/3697>; <http://www.publiclibrary.ru/readers/about/dep-ct.htm>.

⁷ Каримов И.А. Асарлар тўплами. жилд. 3. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

⁸ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017; Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, катъият билан ҳаракат қилайлик. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. //Ҳидоят, –Тошкент. 2017. –№ 6. 7 -6.

Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар», Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Ихёу улум ад-дин», Нажмиддин Кубронинг «Усули ашара», Ҳаким Термизийнинг «Манозил ул-ибод мин ал-ибода», Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-хақойиқ», Жалолиддин Румийнинг «Маснави маънавий», Фаридуддин Атторнинг «Асрорнома», «Тазкират ал-авлиё», Абдуҳолик Ғиждувонийнинг «Васиятнома»⁹ каби асарлари тасаввуф тарихи ва назариясига оид қимматли манбалардир. Иккинчи гуруҳга тасаввуф таълимотини ислом дини, ақоид илми, диншунослик нуқтаи назаридан ўрганган асарлар киради. Бу ўринда Ибн Арабийнинг «Фусус ал-ҳикам», «ал-Футуҳот ал-Маккия», М.А.Жўшоннинг «Ислом, тасаввуф ва ахлоқ»¹⁰ каби асарларни киритиш мумкин. Учинчи гуруҳга тасаввуф таълимотини замонавий илмий-фалсафий, бадий-эстетик, тарих, маънавий-маърифий мерос нуқтаи назаридан тадқиқ этган асарлар киради. Мазкур асарлар ичида чет эллик Дж.С.Тримингэм, Р.Никольсон, У.Турар, А.Д.Кныш, Ж.А.Субхан, И.М.Фильштинский, ўзбекистонлик олимлар М.Болтаев, М.Хайруллаев, Н.Комилов тасаввуф таълимотининг ирфоний, иррационал жиҳатларини, Э.Каримов Марказий Осий тасаввуф тарихининг ривожланиш босқичларини, Р.Шодиев Марказий Осий тасаввуф таълимотининг диний-ирфоний моҳиятини, Н.Сафарова Марказий Осиёда шаклланган Хожагон тасаввуфий таълимотининг шаклланиш тарихи ва етти пирларнинг ирфоний-фалсафий қарашларини, Г.Наврўзова Баҳоуддин Нақшбанднинг комил инсон хусусидаги фалсафий қарашларини, О.Шарипова Абдуҳолик Ғиждувонийнинг тасаввуфий қарашларини, Э.Зоиров Махдуми Аъзамнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини, Г.Юнусова Абдулқодир Гилонийнинг олам хусусидаги қарашларини, И.Ҳаққулов, Ҳ.Ҳомидийлар тасаввуф таълимотини адабиётшунослик фани доирасида ўрганиб, ўз тадқиқотларида илмий қараш ва ғояларини ёритишган, ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф¹¹ ўз асарларида тасаввуфнинг инсон

⁹ Яссавий А. Девони ҳикмат. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992; Imom Abu Homid Muhammad ibn Muhammad al-G'azzoliy IHYOU ULUMID-DIN (Din ilmlarini jonlantirish) -Toshkent. Movarounnahr, 2007; Термизий Ҳ. Манозил ул-ибод мин ал-ибода. -Тошкент: Movarounnahr, 2003; Насафий А. Зубдат ул - ҳақойиқ. -Тошкент: Камалак, 1996; Румий Ж. Маънави Маснавий. -Тошкент: MERIYUS, 2010; Хувайдо Ғ. Девон. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2007; Аттор Фаридуддин. Асрорнома. -Тошкент: TAMADDUN, 2012; Тазкират-ул авлиё. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997; Ғиждувоний А. Васиятнома.-Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1993.

¹⁰ Арабий М. Мекканские откровения (Ал-Футуҳот ал-Маккийя). -Санкт-Петербург: Центр Петербургское востоковедение, 1995; Арабий М. Мекканские откровения (Ал-Футуҳот ал-Маккийя). -Санкт-Петербург: Центр Петербургское востоковедение, 1995; Жўшон М.А. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. -Тошкент: Истиклол, 2000.

¹¹ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. -М.: София ИД Гелиос, 2002; Nicholson R.A. The Mystics of Islam. Reprint. -London, 1966; Турар У. Тасаввуф тарихи. -Тошкент: Истиклол, 1999; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. -М.: С.П.: Дилия, 2004; Субхан Джон А.Суфизм.Его святые и святыни. -М.-С.П.: Дилия, 2005; Фильштинский И.М. Концепция единства религиозного опыта у арабских суфиев. // Суфизм в контексте мусульманской культуры. -М.: Наука, 1989; Болтаев М. Абу Али Ибн Сино великий мыслитель, ученый – энциклопедист средневекового Востока. -Тошкент: Фан, 1980; Хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний инсондўст ҳаким рифъат шайх. -Бухоро, 1994; Комилов Н. Тасаввуф. -Тошкент: Мовароуннахр, 2009; Шодиев Р. Суфизм в жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв.). -Самарканд: 1993; Наврўзова Г. Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Фалс. фан. докт. ...дисс. -Тошкент: 2002; Сафарова Н. Хожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий кадриятлар масаласи. Фалс. фан. докт. ...дисс. -Тошкент: 2002; Хожагон тариқати.-Т.: Файласуфлар миллий жамияти.-2003; Терроизмга қарши курашининг тарихий-фалсафий таҳлили. Фалс. фан. докт. ...дисс. -Тошкент: 2011; Ҳаққул И. Шайх Акбар //

қалбини поклашдаги ва маънавиятини такомиллашдаги моҳиятини очиб берган. Мазкур тадқиқотлар тасаввуф мактаблари, тариқатлари ва алоҳида мутасаввифларнинг тасаввуфий қарашларига қаратилган бўлиб, мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда илмий-фалсафий ғояларни англашга методологик манба бўлиб хизмат қилади. Бироқ улар тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳиятини очиб беришни мақсад қилиб қўймайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш Фарғона давлат университетида 2009-2010 йилларда амалга оширилган «Ёшларни юксак маънавият руҳида тарбиялашнинг инновацион омиллари ва амалий воситалари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти, унинг ислом маданияти ва цивилизацияси тараққиётида туган ўрнини очиб бериш дан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тасаввуф таълимотининг тарихий-маданий, фалсафий детерминантлари таърифларини ишлаб чиқиш;

онтологик омиллари ва мифологик манбаларини аниқлаш;

тарихий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан умуминсоний қадриятга айланган диний мерос эканини асослаш;

тасаввуф таълимотининг маънавий ҳаётда туган ўрни ва хусусиятларини кўрсатиш;

тасаввуф таълимотида дунёқараш концепциясини аниқлаш;

сўфиёна ва ўзга дунёқараш шакллариининг ўзаро боғлиқлигини очиш, табиатга, инсонга ва жамиятга маънавий, диний-фалсафий муносабатни синергетика фанининг тамойиллари асосида тасаввуф таълимоти моҳиятини фалсафий нуқтаи назардан асослаш;

Марказий Осиёдаги тариқатлар шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий сабаблари таҳлили асосида улардаги ортодоксал ислом ва тасаввуф таълимотининг ўзаро муносабатлари тарихи ва ҳозирги ҳолатини ёритиш;

ёшларда юксак маънавият кўникмаларини шакллантиришда жаҳон ҳамжамияти томонидан орттирилган тажрибаларини умумлаштириш, умуминсоний ва миллий илмий-фалсафий ва диний қадриятлар асосида фуқаролик жамияти куришнинг долзарб масалалар ечимига йўналтирилган фаолиятни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти тасаввуф таълимоти.

Тадқиқотнинг предмети тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти.

Тафаккур. –Тошкент, 2000 – № 1. -Б. 92-101., Ҳаққул Иброҳим.Такдир ва тафаккур. –Тошкент: Шарқ, 2007; Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. -Тошкент: Шарқ, 2004; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. -Тошкент: Шарқ, 2012.

Тадқиқотнинг усуллари. Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳиятини илмий билиш методик асосини тарихий ва мантиқий бирлиги, умумий алоқадорлик, ворисийлик, мантиқийлик, тизимлилик, креативлик, ретроспектив кузатув, анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таниқли сўфийлар ҳаёти, фаолияти, асарлари мисолида тасаввуф, тариқат тушунчалари ҳозирги замон этик-фалсафий яратувчанлик ва гуманистик моҳияти нуқтаи назардан мумтоз сўфийларнинг ахлоқий идеал эканлиги асосланган ҳамда сўфийлик концептларининг мотивацион самарадорлиги очиб берилган;

сўфийликнинг умуминсоний қадриятга айланган диний қадриятлар тизимидаги ахлоқий-креатив характери аниқланган ва ўзбек халқининг тасаввуф анъаналари асосида комил инсон шахсини шакллантиришга йўналтирилган педагогик-психологик детерминантлари ишлаб чиқилган;

ёшларда машҳур сўфийлар мисолида альтруизм, филантропия ва инсонпарварлик кўникмаларини шакллантиришнинг ижтимоий-ахлоқий, маънавий-ташқилий усуллари ишлаб чиқилган, комил инсон шахсини шакллантиришда устоз-шоғирд, мурид-муршид муносабатларидаги қатъий интизом, тарбия босқичлари, фалсафий тафаккур ва сўфийлар эътиқодига хос билиш усуллари юзасидан фалсафий-илмий тадқиқот зарурияти асосланган;

мумтоз тасаввуф прогрессив таълимот эканлиги, сўфиёна дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятлари концепцияси тўғрисидаги илмий хулосалар жаҳон фанининг янги тамойиллари воситасида очиб берилган;

марказий осиелик сўфий шоирлар, олимларнинг тасаввуф таълимоти ривожланишидаги хизматларига ёндашувлар тарихи фалсафий тадқиқ этилган;

тасаввуф таълимотининг замонавий кўринишлари – тариқатчиликдаги ҳозирги ҳолатнинг тарихий-фалсафий талқини такомиллаштирилган. Бузғунчи ғояларни тарқатаётган деструктив кучларга қарши яратувчилик ғояларини халқ онгига сингдиришга йўналтирилган прогрессив ёндашув шакллари тавсия этилган

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертацияда илгари сурилган назарий хулосалар ва амалий таклифлардан конфессиялараро ҳамжиҳатлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамият турли қатламлари, айниқса, ёшларни диний мутаассиблик, ақидапарастлик ва терроризмга қарши кураш руҳида тарбиялашда, тасаввуф таълимоти ютуқларини ҳаётга татбиқ қилиб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишда, шунингдек, «Марказий Осие тасаввуф тариқатлари тарихи», «Исломунослик», «Ўзбек мумтоз адабиёти», «Фалсафа», «Диншунослик», «Дунё динлари тарихи», «Дин фалсафаси», «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» каби фанлар ва махсус курсларни ўқитиш жараёнига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, хулосаларнинг бевосита тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазибаларнинг ечимидан келиб чиқиб, шакллантирилганлиги, амалга оширилган назарий-методологик таҳлилга таянган ҳолда тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳиятига доир тушунча ва атамалар мажмуи яхлит шаклда ифодалангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг назарий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосаларнинг ҳар хил, шу жумладан, сўфиёна дунёқарашларни қиёсий ўрганиш билан боғлиқ фан тармоқларида олиб борилаётган тадқиқот ишларини илмий-назарий, услубий нуқтаи назардан бойитишда маълум бир манба бўлиб хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамиятини унда баён этилган мулоҳазалар, таҳлилий натижалар, назарий хулосалар ва амалий таклифлардан дунёқарашлар хилма-хиллиги, бағрикенглик, динлараро мулоқот ва ҳамкорлик, динийлик ва дунёвийлик ва илмийликнинг ўзаро муносабати каби масалаларга доир ўқув-услубий материаллар ва қўлланмалар тайёрлашда, инновацион ўқув-педагогик фаолиятда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳиятини тадқиқ қилиш натижасида: машҳур сўфийлар ҳаёти, ижоди ва меросларини тадқиқ этишга оид таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг буюк муҳаддис Абу Исо Термизийнинг бой илмий-фалсафий меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришда фойдаланилган ҳамда мумтоз тасаввуфнинг тарихий-фалсафий моҳиятини кенг оммага етказиш, сохта тариқатчиликнинг олдини олиш тўғрисидаги хулосалар асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан аҳоли ўртасида диний сиёсатни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2016 йил 1 декабрь 6136 рақамли далолатномаси). Натижада илмий ишдаги таклиф ва мулоҳазалар оммавий маънавий-маърифий тадбирларнинг диний бағрикенглик тамойилларига мос равишда ишлаб чиқилишига, сўфийлик концептларининг мотивацион самарадорлигини кундалик тарғибот-ташвиқот амалиётига татбиқ қилинишига хизмат қилган;

этиқод масалаларида маънавий тарбия ва тарғибот ишларининг янги усуллари тўғрисидаги илмий натижалар ва ундаги фактологик материаллардан «Фалсафа тарихини ўрганиш асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш механизмини тадқиқ этиш», «Раҳбар маънавияти: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилишида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгашининг 2017 йил 26 июлдаги 01/02-593-сонли далолатномаси). Натижада ушбу назарий таклифлар Ўзбекистон Республикасида миллий

маънавий концепциясини халқаро демократик стандартлар асосида ишлаб чиқилиши ҳамда аҳоли ўртасида тасаввуф таълимотининг илғор тажрибаларини ҳозирги замон талабларига мос равишда интерпретация қилиб, уларнинг педагогик-психологик детерминантларидан самарали фойдаланиш имконини берган;

сўфийлар, шоирлар, олимларнинг сўфийлик тарихидаги муносиб ўринлари тўғрисидаги илмий натижалари ва диссертациядаги материаллардан «Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари», «Миллий ғоя тарихи ва назарияси» номли бакалаврлар учун ўқув-услубий қўлланма, «Мафкуравий жараёнларнинг миллий ўзликка салбий таъсирининг олдини олиш бўйича хрестоматия»ни чоп этиш каби инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилишида фойдаланилган. (Республика Маънавий ва маърифат кенгашининг Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2016 йил 24 май 232-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари онгига байналмилаллик, диний бағрикенглик, ақидавий плюрализм, мультикультурализм ғояларини сингдириш имконини берган;

Ёшлар диний ва маънавий тарбиясига оид илмий таклифлар ва мулоҳазалар «Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти», «Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид» мавзуларида ўтказилган оммавий тадбирларда, брошюра ва тарқатма материалларида кенг фойдаланилган («Камолот» Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг 2016 йил 28 ноябрь 12-13/2553 сонли маълумотномаси). Натижада бузғунчи ғояларни тарқатаётган деструктив кучларга қарши илмий ишда тавсия этилган яратувчилик ғояларини халқ онгига сингдиришга йўналтирилган прогрессив ёндашув шаклларида фойдаланиб, ёшлар ўртасида амалга оширилган маънавий-маърифий тадбирларни илмий асосда йўлга қўйишга ва сифатини оширишга, ўсиб келаётган авлодни диний бағрикенглик, маънавий поклик, жамиятда ҳукм сураётган тинч, осойишта ҳаёт учун шукроналик ва огоҳлик руҳида тарбиялашга ҳамда комил инсон образини шакллантиришга эришилган.

тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳиятини ўрганиш принциплари ва унинг замонавий концепцияси, сўфийликда комил инсон шахсини шакллантиришда устоз-шогирд муносабатларидаги қатъий интизом, тарбия босқичлари ҳақидаги илмий янгиликлар «Ўзбекистон» телеканалининг кўрсатувлари орқали ёритилган; Илмий-амалий тавсиялар «Ҳидоят сари», «Навоий олами», «Муносабат», «Сухбатдош» кўрсатувларини тайёрлашда, ходимларнинг маънавий-маърифий фаолиятдаги масалаларни ўрганишларида амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 26 июлдаги 05-35/3300-сонли ва «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2016 йил 12 майдаги далолатномалари). Натижада республикада диний муносабатларни консолидациялаштирувчи конструктив

институтларнинг шаклланишига ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг мустаҳкамланишига эришилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ижобий баҳоланган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йил 2 февраль 251 сонли маълумотномаси) ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 та республика, 2 та хорижий ва 11 та бошқа илмий журналларда, ҳамда, 9 та илмий-амалий конференция материалларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 204 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари белгиланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тасаввуф таълимотининг ижтимоий-тарихий ва маданий детерминантлари**» деб номланган бобда тасаввуф таълимотининг келиб чиқиш тарихи, пайдо бўлиши, тарқалиши тадқиқ этилган. Тасаввуф таълимоти яхлит таълимот сифатида ҳозирги араб мамлакатлари ҳудудида вужудга келган, Марказий Осиёда эса сўфийлик IX-XI асрларда тарқалган. Мусулмон шарқида тасаввуф илми ва ҳаракати мунтазам тадрижий тараққиётда бўлган.

Тасаввуф илмининг негизлари пайғамбар ҳаётлигида пайдо бўлган ва тасаввуфнинг барча тариқатлари ўзларини айнан Муҳаммад пайғамбар билан боғлайдилар. Муҳаммад пайғамбар таълимоти оддий тилда илми сафина - китобий билим ва илми сийна - дилдаги билим деб аталади. Биринчиси уламоларнинг доктринал таълимотида бўлса, иккинчиси сўфийларнинг қатъий эзотерик, мистик таълимотида мужассамлашган¹².

Тасаввуф равнақини бир неча даврларга бўлиш мумкин: зоҳидлик - VIII аср; Обидлик, орифлик – IX аср ўрталари – X аср; XI-XII асрлар тасаввуф мактаблари ва силсилаларининг таркиб топиши.

Ислонинг илк даврида «ат-тасаввуф» ва «ас-сўфий» иборалари кенг тарқалмаган. Уларнинг ўрнига одатда «зухд» (таркидунёчилик, фақирлик, дунёвий орзу-ҳаваслардан воз кечиш), «зоҳид» ёки шунга яқин, «обид» (ибодатчи) сўзларидан фойдаланилган.

Мистик зоҳидлик йўналишининг ривожланиши VII-IX асрларда рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун, мусулмончиликдаги мистик-аскетик йўналишнинг кучайишини араб кибор уруғлар ҳокимиятига, илк таълимот ғояларининг аста-секин узоқлашиб кетаётганига, ахлоқнинг тубанлашувига нисбатан муносабатни ифодалади.

Ҳижрий III аср охири - IV аср бошларида Абу Наср Форобий томонидан яратилган ва кейинчалик ислом фалсафаси деб номланган фалсафа илмининг шаклланишигача тасаввуф ўзининг аъёнасига ва мустаҳкам асосларига эга бўлиб қолган таълимот эди. Тасаввуф, шариат ва фалсафа муносабатлари маълум даражада шаклланди ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир кўрсата бошлади¹³.

¹² Субхан Джон А. Суфизм. Его святыя и святыни. –М.-С.П.: Диля, 2005. –11 с.

¹³ Ҳотамий С.М. Ислон тафаккури тарихидан. –Тошкент: Минҳож, 2003. –25-б

VIII асрнинг иккинчи – IX асрнинг биринчи ярмида илоҳиёт ва тасаввуф ўртасида юзага келган зиддиятлар XII асрда асосан бартараф этилган. Мусулмонлар орасида сўфиёна дунёқараш кенгроқ ёйила бошлаган. Шу билан бирга, тасаввуфда мўътадил, кескин экстатик ҳамда пантеистик оқимлар яққол кўзга ташлана борган.

Тасаввуфнинг шаклланишида ва кейинги назарий-ғоявий такомиллашувида «хонақоҳ», (зовия, работ) институти катта роль ўйнаган. Дарвеш сўфийларни бирлаштирувчи марказ сифатида «хонақоҳ» илк бор Шарқ мусулмон оламида IX-X асрлар оралиғида Хуросон ва Мовароуннаҳрда, кейинроқ Ғарбий Эронда, Ироқда, Сурияда ва Мисрда, шунингдек, Ҳиндистонда пайдо бўлган.

X аср охиридан бошлаб «устоз-шогирд» (муршид-мурид) институти шакллангач доимий ҳаракатдаги хонақоҳлар пайдо бўлган. Вақтлар ўтиши билан Шарқдаги баъзи хонақоҳлар авлиё-пирларнинг зиёратгоҳларига айланган.

IX-XIII асрларни тасаввуф таълимотининг мумтоз даври, XIV-XV асрларни эса унинг олтин даври деб тавсифлаш мумкин. Чунки, бу даврга келиб, Маворауннаҳрда ва Хуросонда Нақшбандия кенг ёйилиб гуллаган давр бўлди. Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келган эмас. Умуман, XV асрдан кейин тасаввуфнинг назарий-фалсафий жиҳати сўна бошлади¹⁴.

Тасаввуф таълимоти дунёқарашига оид мураккаб ва зиддиятли бўлган жиҳатлари тадқиқ этилган. Сўфий учун мутлақ борлиқ сифатида Аллоҳнинг мавжудлиги исбот талаб қилмайдиган (аксиома) ҳақиқатдир. Масаланинг туб моҳиятини назарий билиш ташкил этади.

Ўрта асрлар ғоявий-фалсафий ҳаётида иккита бир-бирини инкор қилувчи таълимот мавжуд эди: бири ақидавий каломга асосланган ортодоксал ислом, иккинчиси ақл имконияти ва қудратидан келиб чиқадиган дунёвий билимга суянадиган фалсафа. Иккинчи оқим маълум даражада тасаввуфда расмий дин меъёрларидан чиқиш мумкинлигини ҳисобга олгани учун ҳурфикрлилик манбаи эди. Шу боисдан ғоявий фалсафий оқимларнинг онтологик илдизлари ҳар хил эди.

Диссертацияда тасаввуф илми, унинг тарихи ва моҳиятига оид тадқиқотлар тизимлаштирилган ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган, тасаввуф таълимотига оид турли хил фикрлар, сўфий муаллифлар ва тасаввуфшунослар хулосалари солиштирилган, уларнинг таснифи берилган. Шу тариқа тасаввуфни мифологик, диний-ирфоний ва илмий англашлар уйғунлашган, ислом дини таркибида вужудга келган тарафдорларидан маҳсус тайёргарликни талаб этувчи алоҳида таълимот экани асосланган.

Сўфийлик амалиётида муридда (шогирдда) рўй бериши мумкин бўлган «ҳол» –ўзлигини унутиш даражаси устоз (муршид) раҳбарлигида, баъзи кишиларда эса қутилмаганда ғайритабиий тарзда ҳам пайдо бўлиши мумкин.

¹⁴ Комилов Н. Тасаввуф. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009. -16-б.

Сўфийлик борлиқ, онг ва жамият тараққиёти муаммоларининг ноанъанавий ечимларини ижодий ва креатив излаб топишга интилиш сифатида юзага келган.

Оламнинг яратилиши масаласида файласуфлар ва мутакаллимлар орасидаги фарқни қуйидагича ифодалаш мумкин: файласуфлар Худони биринчи сабаб дейдилар, лекин улардан баъзилари бу таърифдан четлаб ўтиб, худони Яратувчи деб атайдилар, чунки, дейди улар, - агар уни биринчи сабаб дейиладиган бўлса, шунинг ўзи билан оқибатнинг мавжудлиги тан олинган бўлар эди, бу эса оламнинг абадий эмаслиги ғоясини тан олишга олиб келади.

IX-XIII асрларда тасаввуфнинг онтологик концепцияси асоси – ваҳдат ал-вужуд, яъни Аллоҳ ва оламнинг бирлиги тўғрисидаги таълимот яратилди.

Ваҳдат ал-вужуд таълимоти танқиди натижасида юзага келган Ваҳдат аш-шуҳуд таълимоти асосини Аллоҳ – ягона, абадий, олам эса У томонидан яратилгани ғояси ташкил этади. Бу эса анъанавий фалсафада дуалистик дунёқараш деб аталади. Ундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Аллоҳнинг бу олам билан ҳеч қандай бирлиги йўқ.

Бу икки таълимот ўртасидаги фарқларни шундай изоҳлаш мумкин: Ваҳдат ал-вужудда - зот ва вужуд бир хил; сифат ва зот айнаидир; олам – сифатларнинг маълум бўлиш ва юзага келишидан иборат; олам хаёлдир, аммо Аллоҳ бор, яъни Аллоҳ оламдир; олам соядир, лекин соя Аллоҳдир; Аллоҳ-инсон муносабатлари яқинлашиш жараёнидир; яратилиш сабаби илоҳий ишқдир.

Ваҳдат аш-шуҳудда эса вужуд зотдан бошқа нарса бўлиб, у биринчи яратилган унсур; сифатлар зотдан фарқ қилиб, зот вужуд билан ташқарида мавжуд бўлиб, зотнинг сояларидир; олам сифатларнинг эмас, уларнинг соялари тажаллийсидир.

Тасаввуфнинг онтологик илдизлари ислом замирида шакллангани учун илк ўрта асрларда у шарқона тус олган. Бу эса диний таълимот базасининг Шарқда кенгайишига имконият яратиб берди. Сўфийлар жамоадан узоқлашишга эмас, балки жамоа билан бирга бўлишга, очқўзликдан, кибрдан, одатларга кўр-кўрона бўйсуннишдан, юқори табақадаги шахслардан кўрқишдан халос бўлишга чорлар эдилар.

Одам қанча уринмасин Аллоҳ сифатларини билишга қодир эмас. Рационалистлар фақат мантиққа суяниб ҳақиқатга эришиш мумкин деб ўйлайдилар. Сўфийлар эса бу ҳақиқатга фақат интуиция ёрдамида эришиш мумкин деб таъкидлайдилар. Абу Ҳомид Ғаззолий эса бу икки ёндашувни уйғунлаштиришга интилди.

Тасаввуфнинг онтологиясида онг, қалб, ибодат ҳақидаги билимлар муҳим ўрин тутади. Сўфийлар учун ҳақиқий билим – қалбни илоҳийлаштириш, ботиний ибодат – Аллоҳга яқинлашиш воситасидир.

Тасаввуфда борлиқни билиш мумкин эмаслиги ғояси оламини илоҳий ҳодиса деб билладиган онтологик талқинга мос келади. Эллинистик фалсафанинг кучли таъсири остида, айниқса Плотиннинг эманация

тўғрисидаги таълимоти мистик сўфийларни олдиндан ҳис қилиш, англаш тўғрисидаги ўз фикрларини аниқ ифодалашга олиб келди: олам бу илоҳий моҳият акс этадиган кўзгу, аммо у фақат кўриниш холос.

Ҳақиқатни билиш учун бу кўринишдан узоқлашиш лозим. Ўзининг хусусий борлиғидан озод бўлиш керак. Ягона ҳақиқат бўлган Аллоҳ билан бирлашиш учун ўз шахсини йўқ қилиши лозим. Бу маънода Худо доим номаълумлигича қолаверади. Сўфийлар доим Аллоҳда эриб унга сингиб кетишни орзу қиладилар. Улар ҳиссий – ақлий билимнинг ноаниқлиги, сароблигини Афлотуннинг «ғорига» ўхшаш тимсоллари мисолида фикр юритадилар.

Тасаввуфнинг онтологик концепциясида Аллоҳ, олам ва одам муаммоси биринчи ўринда туради. Унда Худо ўз-ўзлиги замирида, ўз замиридаги намоён бўлмаган моҳият сифатидадир. Шунинг учун унинг борлиги қуйи даражадаги бошқа моҳиятлардан фарқ қилади. Сўфийлар Аллоҳнинг Ягоналиги, Абадийлиги ва Мутлақлиги, шу билан бирга Худо мутлақ трансцендент бўлиб қолмай нарсаларда, жумладан, одамда мавжуд, - деган ғояни тарғиб этадилар.

тасаввуфнинг диний-фалсафий манбаларида бу дунёқараш ислом дини арконлари асосида шаклланганлиги билан бир қаторда унда бир қанча бошқа мистик таълимотлар элементлари ҳам мавжудлиги аниқланди. Баъзи муаллифларнинг тасаввуф мустақил эмаслиги тўғрисидаги концепциялари унинг вужудга келиши сабабларини неоплатонизмдан, оташпарастликдан, буддавийликдан, умуман ташқи омиллардан излашлари учун асос бўлди.

Неоплатонизм таълимотининг асосчиси Плотин нинг тажалли тўғрисидаги таълимоти мистиклар ҳис-туйғуларининг аниқ ифодасини берарди. Олам илоҳий мавжудлик акс этаётган фақат бизнинг назаримиздаги кўзгу холос. Демак, бу воқеликка, ҳақиқатга эришиш учун тасвирдан узоқлашиш лозим. Ягона мавжудлик ҳисобланадиган Аллоҳга ўз шахсини йўқотиш - фано йўли билан Аллоҳда эриб кетиш учун ўз хусусий мавжудлигидан кутулиш, озод бўлиш керак. Дастлабки сўфийларга хос мистик, экстатик интилишларнинг мантиқий якуни шундан иборат эди¹⁵.

Фалсафанинг асосий мавзуларидан бири бўлган оламнинг яратилиши масалалари тасаввуфда ўзгача, ўзига хос равишда ечилади. Бу ечим анъанавий диний тасаввурдан ҳам фарқ қилади. Мутасаввифлар бу муаммони «судур» ибораси билан ифодалайдилар.

Судур ўз-ўзидан зарурий воқелиқдир. Ибн Сино неоплатонизмнинг эманация тўғрисидаги назариясини Птолемейнинг космологияси ва Арастуниг зарурий ва эҳтимолли борлиқ тўғрисидаги таълимоти билан бирлаштирди. Бу таълимотга биноан олам Аллоҳдан яралган, лекин Аллоҳнинг мустақил ижодий иродаси натижасида эмас. Оламнинг Аллоҳдан «оқиб чиқиши», «равшанлашиши» табиий зарурий ҳосиласи, илк манбанинг тўлиб бориши натижасидир. Эманация - тажаллининг кейинги қатламлари:

¹⁵Массэ А. Ислам. –М.: Восточная лиртература, 1963. -160 с.

оламий ақл, ғоялар олами, оламий рух, одамларнинг шахсий жони, бирламчи материя ва моддий олам кабилардан иборат.

Анча кейинроқ, ислом Ҳиндистонга кириб келгандан сўнг, мутаассиб тасаввуфнинг баъзи бир йўналишларида ҳинд пантеистик фалсафаси - веданинг таъсири намоён бўла бошлади. Аммо, бизнингча, буддавийликнинг тасаввуф тараққиётининг қайси босқичида бўлмасин сезиларли таъсир ўтказиши тўғрисидаги мулоҳаза эътирозлидир.

Шу билан бирга, динга оид кўп ғоялар умумбашарий қадриятларга айлангани каби буддавийлик таълимотида шаклланган «тўртта яхши ҳақиқат» ёки бошқа асосий қоидаларнинг тасаввуфда ҳам маълум даражада эътироф этилиши табиийдир.

Тасаввуфнинг диний-фалсафий омилларини муайян тариқатлар фаолияти таърифи орқали аниқлаш мумкин. Тасаввуф тариқатлари шариат талаблари доирасидан чиқмай, Қуръони карим ва ҳадиси шарифга асосланган ва барчасининг умумий ғояси бир бўлгани билан амалиётда ва диний-фалсафий қарашларида бир-биридан фарқ қиладилар. Эътиқод, борлик ва уни билиш масалаларини ёритишда ҳам улар орасида ихтилофлар мавжуд.

Тасаввуф тарихида хилма-хил тариқатлар пайдо бўлиб, ҳаёт синовларидан ўта олмай тарқаб кетганлари ёки бошқа прогрессивроқ тариқатга қўшилиб кетганлари ҳам кўп. Шу билан бирга, ўзининг тизимли диний-фалсафий дунёқарашлари, ўз тарафдорларининг интилишлари, орзу-ҳавасларини қондириб келаётган, ислом дини талабларига оғишмай амал қилган ҳолда жамият эътирофига сазовор бўлганлиги сабабли асрлар давомида тараққий этиб, сафлари кенгайиб бораётган тариқатлар шу кунларда ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мазкур ишда ислом оламида машҳур бўлган тариқатлардан бир нечасининг қисқача тавсифи асосида тасаввуфнинг диний-фалсафий манбаларидаги фарқлар, умумийлик ва хусусийлик тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**сўфиёна дунёқараш асосларининг моҳияти**» деб номланиб, унда тасаввуф таълимотига оид диний, илмий-фалсафий усуллар очиқ берилган.

Сўфийликнинг вужудга келиши, қарор топиши, тикланиши ва ривожланиши давомида тарихий даврлар, ҳудудларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий хусусиятидан келиб чиқиб, ҳар хил шакл ва йўналишларда намоён бўлди. Шу даврларда тасаввуф илми мукамал ва равон бир таълимотга айланди. Жамият ҳаётида у диний ақидапарастликка зимдан қаршилик кўрсатишга хизмат қилган, ҳурфикрлиликнинг кучайишига кўмаклашган, босқинчилик сиёсатида қарши курашда ундан кенг фойдаланилган.

Ислом фанатизмининг акси сифатида сўфиёна ҳурфикрлилик асосан қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

сўзсиз амал қилиниши шариат томонидан талаб қилинадиган ортодоксал ислом ақидалари ва урф-одатларни мутлақлаштирмаслик;

бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик;

фанатик кайфиятдаги уламоларнинг қораланиши.

Тасаввуфда идеалистик метафизикани психологик машқлар тизими билан уйғунлаштириш - зуҳд, ўз эътиқодини, барча жисмоний ва руҳий, маънавий куч-ғайратини сафарбар этиш, илми ладуний тўғрисидаги таълимотга риоя қилиш ҳар бир муриддан қатъий талаб қилинади.

Садоқат билан тариқатга киришган одамнинг аста-секин муттасил тарзда мистик билиш, ишқ-муҳаббат ва сўфийлик тариқатлари воситасида Аллоҳга яқинлашиш ва пировард натижада Унинг висолига эришиш каби хусусиятлари, оламни мантиқий-ақлий билишни инкор этадиган интуитив билишга, тажаллига, важдий ҳолатларга, ғайриақлий ҳодисаларга интилиши борлиқни сўфиёна хис қилиш белгиларни билдиради.

Ўтган даврда дин ва фан муносабатларида воқеликнинг мантиқий таърифи билан тасаввуфнинг илми ладун ва унга эга бўлиш усуллари, инсон руҳиятида юз бериши мумкин бўлган ҳол даражаси тўғрисидаги ақидалари ўртасидаги тафовутни бартараф қилиш мумкинлиги инкор этиларди. Сўнгги йилларда *Синергетика фанининг ўзига хос тамойилларини ижтимоий фанларга ҳам жорий этиш* воситасида борлиқ ва уни англашда диний ва фалсафий дунёқарашларнинг анча яқинлашганини кузатиш мумкинлиги .

Синергетиканинг ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси янги дунёқарашдир, у ўз-ўзини ташкиллаштириш, ночизиқлилиқ, глобал эволюция, хаос орқали тартибланиш феноменларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар билан боғланган бўлиб, бифуркацион ўзгаришлар, вақт қайтмаслиги, беқарорликнинг эволюция жараёнлари асосий характеристикаси сифатида намоён бўлишини акс эттиради¹⁶.

Синергетика ҳар бир нарсани система деб қарайди ва у, ўз навбатида, ёпиқ ва очик системаларга ажралади. Оламдаги жонсиз системалар ёпиқ, жонли системалар очик деб ҳисобланади¹⁷. Бунга кўра, очик система сифатида тасаввуф таълимотини синергетика тамойиллари воситасида талқин қилиш унинг фалсафий моҳиятини теранроқ англашда мақсадга мувофиқ бўлади.

Тасаввуф илми очик система сифатида Аллоҳга яқинлашувнинг ундаги ўзига хос усуллар, амалиёт кенг тарқалгани жамиятдаги диний дунёқарашнинг таркибий қисмига айланган.

Синергетика фанининг асосий тамойилларидан бири - *Аттрактор* деб, вақт ўтиши билан динамик система интиладиган ҳаракат режими ва тартиботига айтилади.

Аттрактор ҳолати руҳий оламда ҳам кузатилади¹⁸. Тасаввуф таълимоти бунга Аллоҳ ўзи муносиб кўрган бандаларига берган неъматидеб таърифлайди. Сўфийликда диний дунёқараш жараёнида Аллоҳнинг висолига

¹⁶ Новейший философский словарь. Сост. А.А.Грицанов. – Минск.: Изд. В.М.Скакун. 1998. - 618 с.

¹⁷ Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. // Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. - 92-б.

¹⁸ Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. // Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. -46-б.

етишиш тўғрисидаги ғояга мусулмонларнинг маълум бир қисми эргашишини ҳам эътиқодда аттрактор тамойили воситасида теранроқ англаш мумкин.

Синергетиканинг яна бир тушунчаси *бифуркация*. Бифуркация нуқтасида система «танлов» имкониятига эга бўлади, чунки унда тасодиф унсурлари мавжуд, у системанинг кейинги ривожини башорат қилиб бўлмайдиган ҳолатга олиб келади. Тасаввуф илмида ҳам тариқатни танлаган мурид ҳам ўз амалиётида шариат аҳкомларини, сайри сулукни, нафсни ўзига бўйсундириш каби талабларни сидқидилдан ўтаган бўлса-да комилликнинг айнан қайси мақомига эриша олиши тайин эмас. Бизнингча, Қуръони каримнинг «Балад» сураси 10 оятида Ва хадайнахун наждайн, яъни, Ва биз уни (инсонни) икки: яхши ва ёмон йўлга йўллаб қўйдик, - дейилгани билан бифуркация ҳолатини асослаш мумкин.

Флуктуация тушунчаси физик катталикларнинг ўртача ҳолатидан тасодифий оғишлар, у кўп сонли қисмчаларга эга системани характерлайди¹⁹.

Бифуркация нуқтаси теварагида флуктуациялар салмоғи кўкқисдан орта бошлайди ва улар маълум бир вақтда ҳеч қандай тартибсиз равишда умуман кутилмаган йўналишда тизим эволюциясининг тараққиётини таъминлаши мумкин. Тасаввуфда таъкидланишича, ибодатга астойдил берилиш – зикр, самъо ва бошқа бир ҳолатларда ташқи муҳитга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бир ҳолатга – олий ҳол даражасига тушган сўфийга, Аллоҳ насиб этса, илҳом воситасида маълум бир илм кашф этиши мумкин.

Ҳозирда синергетиканинг уч даражаси: хусусий илмий назария сифатидаги объектли, тажрибали билим даражаси, умумилмий назария сифатидаги метаназария эканлиги, дунёқараш маъносидаги фалсафий даражалари алоҳида эътироф этилмоқда²⁰. Шунинг учун умумилмий асосга эга бўлган синергетика бир вақтнинг ўзида метаназария ҳамдир. Унинг дунёқараш ёки фалсафий даражаси ҳам мураккаб характерга эгадир. Чунки бу ерда илм–фан унсурлари диний эътиқод унсурлари билан бирлашади²¹.

Синергетика «Ўзаро ҳамкорлик, маънавий биродарлик даврининг моҳиятини ифодаловчи тамойил бўлиб бормоқда. Чунки «ёки-ёки» фалсафаси, идеализмми ёки материализм, диалектиками ёки метафизиками, деган фалсафа ўз умрини тугатди. Дунё халқларининг ўзаро дўст-биродар бўлиб яшаш фалсафаси тантана қилгандагина бу таҳликали дунёни сақлаб қолиш мумкин. Терроризм, турлича экстремистик, худбинлик ақидапарастлик сингари бало қазодан дунёни ҳоли қилиш мумкин»²², деб берган таърифларини тасаввуф илмини тадқиқ қилишга ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Демак, синергетика фанининг маълум тизимга солинган парадигмалари инсоннинг ўз-ўзи англаш орқали сўфийларнинг олий мақсади – комилликка

¹⁹ Бозаров Д.М. Синергетика парадигмасининг фалсафий методологик таҳлили. Фалс. фан. ном. ...дисс. -Тошкент: 2010. - 48-49-б.

²⁰ Ўша ерда .-67-б.

²¹ Ўша ерда .-68-70-б.

²² Рахимов И. Ўтамуродов А. Синергетика–ўз-ўзини ташкил қилиш тўғрисидаги назария //Синергетиканинг фалсафий масалалари. – Тошкент: Университет, 2005. –5-б.

эришиш жараёнига доир ноанъанавий, яъни тасаввуфий қарашлар билан уйғунлиги ҳам эътироф этилиши лозим. Айни пайтдаги жаҳон фани ютуқларини, хусусан, янги фан синергетик илмий методологик хулосаларни тасаввуф таълимоти тадқиқотига татбиқ қилиниши натижасида сўфиёна тафаккур хусусиятлари синергетик тамойиллар билан солиштирилганда уларнинг нақадар ўхшашликларини кузатиш қилиш мумкин.

Яқин келажакда фан оламини англашга сўфиёна ёндашувлар ҳам ҳақли эканлигини исботлайдиган жиддий далилларга эга бўлиши мумкин.

Ғарбнинг таниқли олимларидан бири Халқаро назарий ва амалий физика институти директори, Россия табиатшунослик фанлари академияси аъзоси А.Е. Акимовнинг «оламини билишнинг йўлларида бири шарқона усул бўлиб, бунда билим эзотерик йўл билан, масалан, медитация ҳолатида олинади. Бу йўл нима сабабдандир унутилиб кетган эди ва шунинг учун ҳам бошқа - фавқулудда мураккаб ва ҳақиқатга жуда секин олиб борадиган ғарб йўли шаклланди. Биз минг йил мобайнида шу кейинги йўл билан бориб, Шарқда уч минг йил олдин маълум бўлган билимларга етиб келдик»²³, деб тан олаётгани ҳам воқеликка синергетик, бошқача айтганда, сўфиёна ёндашишни билдириб, юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Бобда мутасаввифларнинг Олий Ҳақиқатга яқинлашишда ақлгагина эмас, руҳий интуиция ва ёришувга ҳамда руҳий тажрибага суяниш ва онгни ўз олий ҳол мақомига етказадиган ўзига хос йўлларига эга бўлиш ва Аллоҳни рационал тафаккур орқали эмас, балки фақатгина индивид ўз бошидан кечирадиган ички тажриба воситасида юз берадиган экстатик ҳолда билиш мумкин деган хулосалари тадқиқ этилган. Бунда тушуниш-ишониш диалектикасининг иккинчи қисми - ишониш - предикат вазифасини бажаради.

Тасаввуф таълимотида учта асосий йўналиш ажратилади: субъектив идеализм, (Боязид Бистомий, Ҳаллож, Имомиддин Насимий); объектив идеализм (Абу Ҳомид Ғаззолий, Фаридуддин Аттор, ибн Арабий, Аҳмад Яссавий); пантеизм (Муслиҳиддин Саъдий, Абдурахмон Жомий, Мирза Бедил). Субъектив идеализм сўфийнинг рефлексив кечинмаларини, Аллоҳга сўзсиз итоатни биринчи ўринга қўйган. Объектив идеализмда ижтимоий ҳаёт масалаларига эътибор қаратилган, аммо улар ислом ақидаларига мувофиқ талқин этилган. Пантеизмда эса материалистик ёндашув устундир.

Сўфийлар ислом шариати талабларини ихлос билан бажарган ҳолда зуҳд, тақво, камтарлик, нафсни поклаш йўли билан комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилганлар.

Тасаввуфда сабаб қонуниятдан, табиат тараққиётидан эмас, Аллоҳнинг иродасидан келиб чиқсагина ҳақиқий бўлиши таъкидланган ва у ислом ақидаларини асослашга, қарор топтиришга хизмат қилган.

²³ Акимов А.Е. Физика признаёт сверхразум. –М.: //Чудеса и приключения. №5. - С. 24-25.

Сўфийлик шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларидан иборат деб қаралган. Бу босқичларнинг ҳар бири, Аҳмад Яссавий таъкидлашича, яна 10 тадан мақомларга ажратилган.

Бобда тасаввуф тарихида пайдо бўлган ҳақ йўлда турган ва ботил деб тан олинган тариқатлар фаолияти тадқиқ қилинган. Улардан Ўрта асрларда машҳур бўлган бир қанча тариқатлар, жумладан, муҳосибия, қассория, тайфурия, жунайдия, нурия, сахлия, ҳакимия, харрозия, ҳафифия, сайёрия тариқатларининг тасаввуф таълимоти ривожига қўшган хизматлари тадқиқ қилинган ҳамда ҳулулия, ҳолия, авлиёия, сумраҳия, ҳуббия, ҳурия, ибоҳия, мутақосилия, мутажоҳилия, воқифия, илҳомия, ҳалложия, ҳулмония каби тариқатларнинг ботил эканликлари аниқ фактлар билан кўрсатилган. Баъзи манбаларда тариқатларни ўзга таснифларини ҳам учратиш мумкин²⁴.

Барча ҳақ йўлдаги тариқатларда ислом дини арконлари, шариат талаблари тўлиқ тан олинishi ва оғишмай амал қилиниши билан бирга уларнинг фаолиятидаги ўзига хос анъаналар, либослар, ашёлар ва амалиётларидаги фарқлар ҳам тадқиқ қилиниб, бу ҳолатлар кичиклиги Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан келтирилган ҳужжатлар воситасида исботланиши аниқланди.

Айни пайтда мумтоз тасаввуф илми эса Нақшбандия, Яссавия, Кубровия каби тариқатлар кўринишида ҳозиргача бардавом бўлиб кенгайиб бораётгани бу таълимотнинг жамият ҳаётида нақадар ижобий воқелик эканлиги исботланди.

Нақшбандия силсиласининг 30 та ҳалқаси қуйидагича: силсила Муҳаммад пайғамбардан бошланади. Ундан ислом оламининг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиқга (572-635 й.), ундан Салмон Форисийга, ундан Абу Бакр Сиддиқнинг набираси Қосим ибн Муҳаммадга (650-720), ундан Жаъфар Содикга (700-765), ундан Боязид Бистомийга (ваф. 875), ундан Абул Ҳасан Ҳарақонийга (963-1034), ундан Абу Али Фармадийга (1016-1084), ундан Юсуф Ҳамадонийга (1048-1141), ундан Хожа Абдуҳолик Гиждувонийга (1122-1199), ундан Хожа Ориф Ревгарийга (1165-1212), ундан Хожа Маҳмуд Фағнавийга (ваф. 1317), ундан Хожа Али Ромитанийга (1194-1321), ундан Муҳаммад Бобо Самосийга (ваф. 1354), ундан Саййид Мир Кулолга (ваф. 1370), ундан Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандга (1318-1389), ундан Хожа Алоуддин Атторга (ваф. 1399), ундан Хожа Яъқуб Чархийга (ваф. 1447 й.), ундан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга (1404-1490), ундан Хожа Муҳаммад Зоҳидга (ваф. 1529), ундан Дарвиш Муҳаммадга (ваф. 1562), ундан Хожа Муҳаммад Имканагийга (1512-1599), ундан Хожа Муҳаммад Боқийга (1565-1606), ундан Имоми Роббоний Аҳмад Форук Сирҳиндийга (1563-1625), ундан ўғли ал-Урватул Вуско шайх Муҳаммад Маъсумга (1598-1669), ундан ўғли шайх Сайфиддинга (1639-1696), ундан Саййид Нур Муҳаммад Бадавунийга (ваф. 1722 й.), ундан Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсиддинга (1701-1781), ундан Шох Абдуллоҳ Дехлавийга (1745-

²⁴ Турар У. Тасаввуф тарихи. –Тошкент: Истиклол, 1999. -62-65 бетлар.

1824), ундан тариқатнинг ўттизинчи шайхи Холид Зиёвуддин Бағдодий (1770-1826) билан яқунланади²⁵.

Диссертациянинг «**Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотнинг янги ланиши**» деб номланган учинчи бобида ўрта асрларда шу ҳудудда яшаб, ижод қилган энг машхур шайхлар, сўфийлар фаолияти тадқиқ қилинган. Уларнинг тасаввуф илми ривожига кўшган ҳиссаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотининг шаклланиши ва ривож тарихи Абу Абдурахмон Суллабий, Абдуллоҳ Ансорий Харавий, Хужвирий Жуллабий, Калабодий номлари ва ижодлари билан боғлиқ.

Илк ўрта асрлардаги буюк мутафаккирлардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир ат-Термизий ўзининг етук донишмандлиги, илм-фаннинг турли соҳаларида машхур бўлгани учун уни замондошлари ал-Ҳаким деб ардоқлаганлар. Тасаввуф тарихида эса Ҳакимия тариқати асосчиси сифатида машхур бўлган. Баъзи мутахассислар бу тариқатнинг мукамаллигини эътироф этиб, уни ҳатто мазҳаб деб ҳам таърифлаганлар²⁶.

Термизийнинг олам яратилиши, мавжудлиги ва ривожланиши тўғрисидаги фикрларида навафлотунчилик қарашларини ҳам кузатиш мумкин. Аллоҳнинг борлиги, ягоналигини, абадийлиги, Муҳаммад Унинг охирги пайғамбари эканлиги тўғрисидаги ғояни ўз асарларида қатъий тарзда ҳимоя қила бориб, аллома сўфий сифатида амалларни бажариш натижасида Аллоҳга яқинлашиш мумкинлигини таъкидлайди. Бу амаллар мумтоз тасаввуф тариқатларида, биров фарқлари билан, асосан ўхшаш. Лекин, Ҳаким ат-Термизий тавсия қилган еттита манзилдан тўрттаси ўзгача. Манзиллар Термизийнинг «Манозил ул-ибод мин ал-ибода» асарида шундай аталади: 1) тавба, 2) зоҳидлик, 3) адоватун нафс, 4) муҳаббат, 5) қатъул-ҳаво, 6) кўрқув, 7) қурбат манзиллари. Бундан кўришиб турибдики, биринчи, иккинчи, учинчи манзиллар тасаввуфда анъанавий ҳисобланувчи мақомларга асосан мос келади. Қолган тўрттаси эса муаллиф томонидан шундай изоҳланади: муҳаббат манзили – юқоридаги манзиллардан ўтган бандаларнинг Аллоҳ муҳаббатига мушарраф бўлганликларини, қатъул-ҳаво – солиқ ўтган манзилларда қанчалик уринмасин ҳою ҳавас уни тарк этмайди. Бу манзилда энди уни бутунлай тағ-томири билан кўпориб ташлаш, уни ҳолдан тойдириш ва нафснинг шиддатли хоҳишларини сўндиришга бутун эътиборларини қаратадилар. Кўрқув манзили – улар Аллоҳдан қочиб юрган кунларини эслаб, даҳшатга тушадилар. Бу ҳолат уларни барча ишлардан тўхтатиб қўяди. Улар шундай кўрқиб кетадиларки, кўрқувдан ҳатто нафсларининг таровати қуриб қолади. Аллоҳнинг уларга қилган марҳаматлари лаззатини ва эҳсон ҳаловатини йўқотиб қўядилар ва қурбат манзилдан жой олишни унутиб, ушбу кўрқув манзилига шўнғиб кетадилар. Қурбат манзилида – Ихлос билан юзланганликлари учун Аллоҳ уларга раҳмат назари билан қарайди, ўртадаги

²⁵ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур.-Тошкент: Шарқ, 2012. -135-б.

²⁶ Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. -Тошкент: Маънавият, 2014. -29-б.

ҳижобни кўтариб, уларга тажаллий қилади. Уларнинг нафсоний шаҳватларини чилпарчин қилиб, хою ҳавасларини мурдага айлантиради.

Бу мақомларнинг хусусиятлари, талаблари ва аҳамияти ҳақида сўз юритилганда, муаллиф Қуръони карим ва ҳадислардан шундай ҳужжатлар келтирадики, улар баркамол авлод шахсини шакллантириш учун жамиятда айна пайтда амалга оширилаётган вазифаларни бажаришда муҳим аҳамиятига эга. Масалан, шу асарда Муҳаммад пайғамбарнинг «Банданинг ўз нафсига қарши қилган жиҳоди энг яхши жиҳоддир» деган сўзлари келтирилиб, «Аллоҳ йўлида одамларни эзгуликка буюриш ва ёвузликдан қайтариш – камолотдир» деб, таъкидланади²⁷.

Ислом дини тарихида Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳанафий Самарқандий Мотуридийнинг ижоди беқиёсдир. Унинг таълимотига кўра, ёвузлик, гуноҳлар Аллоҳнинг иродаси билан қилинса-да, Унинг хоҳиши (ризоси) билан бажарилмайди. Аллоҳ инсонни эркин иродаси – тақдирни танлаш эрки, ихтиёри билан яратган. Шунинг учун инсон у ёки бу амалини ўз ихтиёри билан бажо келтиради ва вафотидан сўнг мукофотланади ёки жазоланади. Инсоннинг эзгу ишларида Аллоҳ ёрдам беради, ёмон ишларида ундан юз ўгиради ва эътиборсизлиги билан инсон томонидан гуноҳ қилинишига имкон беради.

Диссертацияда сўфийликнинг туркий силсиласи асосчиси Аҳмад Яссавий ҳаёти ва ижоди тарихий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилинган. Унинг шеърларида фано ва бақо, ҳаром ва ҳалол қайта-қайта тилга олинади. Яссавий ўзининг ҳикматларида инсонни асл комилликка элтадиган дин, имон, Худо йўлида фидойилик, эътиқодда собитлик, ҳаётда ҳалоллик, покликни тараннум этади.

Унинг «Фақрнома» асарига Яссавийлик тариқати акс этган назарий манба деб қаралади. Рисолада дарвешлик мақомининг 40 та шарти кўрсатилган. «Ва ул қирқ мақомдин ўн мақом шариятда турур ва ўн мақом тариқатда турур ва ўн мақом маърифатда турур ва ўн мақом ҳақиқатда турур», дейилади.

Яссавий ҳикматларининг ботиний мазмунида тасаввуф таълимотининг инсонни камолотга чорловчи ғоялар мужассамлашган. Улар баркамол авлод шахсини шакллантириш сиёсатини амалга оширишда долзарблигича қолмоқда.

Мусулмон Шарқида Хожаи Жаҳон унвонига сазовор бўлган машҳур шайх, хожагон тариқатининг асосчиси Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний таълимотининг асосини илм ўрганиш, билимларни, касб-ҳунарни эгаллаш, ҳалол меҳнат билан ризқ топиб яшашга даъват этиш ташкил этади. «Васиятнома»да келтирилган ҳикматлар шундан далолат беради.

Хожа Абдуҳолиқ тасаввуф таълимотини ҳар томонлама бойитиб, амалиётга зикри ҳафийни олиб кирди. Хожагонлик тариқатининг саккиз қонун-қоидасини шакллантириб берди. Ҳуш дар дам, назар бар қадам, сафар

²⁷ Ҳаким Термизий. Манозил ул-ибод мин ал-ибода. -Тошкент: Movarounnahr, 2003. 31-б.

дар Ватан, хилват дар анжуман, Ёдкард, Бозгашт, Нигоҳдошт, Ёддошт каби рашҳаларнинг маънолари, уларнинг ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолаётгани диссертацияда асосланган.

Келгусида Гиждувонийдан қуйидаги ворислик занжири давом этади: Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Махмуд Анжирфағнавий, Хожа Азизон Али Ромитоний, Хожа Муҳаммад бобойи Самосий, Хожа Сайид Амир Кулол Бухорий, Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд.

Тасаввуфнинг ислом оламида кенг тарқалиши ва ривожланишида ва ижтимоий ҳаётга уйғунлашувида Нақшбандия тариқатига асос солган Баҳоуддин Балогардон Муҳаммад Жалолиддин муҳим роль ўйнаган. Тариқатнинг юқорида кўрсатилган саккизта рашҳасига у яна Вуқуфи замон, Вуқуфи ададий, Вуқуфи қалбий каби учта шартни ҳам жорий қилган.

Бу сўфийлик таълимотига биноан ҳаётнинг мазмунини Ҳақиқат (Аллоҳ)га эришиш учун интилишдир ва унга эришиш ташқи нарсалар ҳақидаги билим – шариатга асосланади ва ички нарсалар ҳақидаги билим тариқат жараёнида юз беради. Тариқат инсон Ҳақиқатга эришиш учун инсон қандай тўсиқларни енгиши лозимлигини белгилайди.

Тасаввуф замирида «Ўзини билган одам Аллоҳни билади» деган тамойил ётади. Ўзини ўзи англаш Аллоҳни билишнинг энг қисқа йўлидир. Баҳоуддин Нақшбанд яратган таълимот асосидаги «Дил ба ёру, даст ба кор», деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалайди.

Хоразмлик машҳур шайх Нажмиддин Кубронинг тасаввуф илми тараққиётига кўшган ҳиссалари катта. Кубровия тариқати, унинг кўп халқлари Нажмиддин Кубродан бошланади. Унинг шогирд-муридлари қаторида Мажидиддин Бағдодий, Фаридиддин Аттор, Нажмиддин Розий, Кубро сўфийлик мактабининг давомчиси Сайфиддин Бохарзий каби аллома шахслар бор эди. Шунинг учун ҳам у эл орасида Валийтарош деган унвонга сазовор бўлган.

Кубровия тариқатининг қоидалари ўнта – Тавба, Зухд фид-дунё, Таваккул, Қаноъа, Узлат, Мулозимат аз-зикр, Таважжуъ, Сабр, Мууроқаба, Ризо, улар мусулмон аҳлининг эътиқодини тарбиялаш ва шакллантиришга қаратилган. Ушбу қоидалар тасаввуф тариқатлари йўлига кирган барча кишилар учун зарурий бўлиб, солиқ албатта ўз ҳаёти давомида риоя қилиб бориши зарур. Кубровия тариқатидаги бу қоидалар Яссавия ва Нақшбандия тариқатларида ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур тадқиқотда Марказий Осиёдан чиққан буюк мутафаккир олимларнинг тасаввуф илмига муносабатлари ва уларнинг илмий фаолияти натижаларининг бундай эзотерик дунёқараш тараққиётига таъсири очиб берилган.

Бобда Ўзбекистон ҳудудида етишиб чиққан буюк олимларнинг тасаввуф илмига алоқадор позициялари тадқиқи давомида улар ҳар хил бўлгани аниқланди. Масалан, Абу Наср Форобий Аллоҳ иродасини фақат яратиш фаолияти билан чеклаб, оламнинг яратилишида Унга фақат илк сабаб ролини

беради. Кейинги тараққиётни эса у объектив қонунлар ҳаракати билан боғлаб тушунтирган. У сохта сўфийларнинг фикрларини «саодатга зид шаҳарлар» кишиларининг фикрлари сифатида мисол келтиради. Сўфийларнинг таркидунёчилик ғояларини рад этади, уларни жоҳиллар шаҳрига тегишли деб ҳисоблайди. Унинг «Афлотун қонунлар моҳияти» (Талхису навомиси Афлотун) номли асаридаги фозил одамлар жиҳатлари тўғрисидаги фикрлари тасаввуф таълимоти тамойилларидан фарқ қилмайди²⁸.

Тасаввуф таълимотига нисбатан муносабат Абу Али ибн Сино қарашларида ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Улар алломанинг дунёқараши билан боғлиқ. Пантеистик ғоянинг устуворлиги Ибн Синонинг тасаввуф рамзларига мурожаати, ориф сўфийларнинг барчасини кенг оммага намоён қилиши, дунёқараш сифатида материянинг маънавий жиҳатдан фалсафий шаклларига анча яқинлашганида яққол кўринади. Шунинг учун у сўфийларни «ҳақдаги биродарлар» деб атайди.

Ибн Сино ҳақиқат изловчиларни уч тоифага ажратади: зоҳидлар – ўз нафсига қарши жиҳод эълон қилган сўфийлар; обидлар – шариат урф-одатлари ва маросимларини қатъий мукамал адо этиш орқали ҳақиқатни билишга интилувчилар; орифлар – Аллоҳни интеллектуал (ақлий) йўл билан билиш ва Унга эришиш тарафдорлари – гностиклар. Уларнинг умумий йўналиши – ҳиссий оламдан қутилиб, маънавий, руҳий оламга қўшилишга эришишдир. Ибн Синонинг тасаввуф илмига муносабати нақадар салмоқли бўлгани учун уни «шайхур раис» деб аташган. Унинг илмий хулосалари, қарашлари тасаввуф илми, айниқса, унинг пантеистик йўналишининг ривожланишида муҳим ўрин тутган.

Буюк аждодларимиздан яна бири Абу Райҳон Берунийнинг илмий фаолияти ҳам тасаввуф таълимоти тараққиётига ўз таъсирини кўрсатган.

Беруний тасаввуф асослари тадқиқи билан Ҳиндистонда яшаган вақтлардан бошлаб яқиндан шуғулланган. Абу Райҳон Беруний сўфийларнинг худо, олам, инсон тўғрисидаги ғоялари билан чуқур таниш бўлиб, ҳинд халқининг диний қарашлари сўфизм билан алоқадорлигини, йога тизимидаги кўплаб ҳатти-ҳаракатлар, тамойиллар, ҳаёт кечириш тарзларидаги ўхшашликларни ўзининг «Китоб патанжал ал-ҳинди фи-л-халас мин ал ал-амсал» асарида таҳлил қилиб берган. Мутафаккирнинг «сўфий» атамаси «файласуф» иборасининг сўнгги бўғинидан олинганлиги тўғрисидаги фикрлари ҳам, кейинчалик фанда рад этилганига қарамай, ўзига хослиги билан ажралиб туради. У сўфийларни «донишмандлар» деб атайди. Бу эса мутафаккирнинг фалсафий дунёқарашни тасаввуф билан мувофиқлаштиришга интилганидан далолат беради.

Ўрта асрларда яшаб, фаолият кўрсатган, асарларида тасаввуф таълимотига ўз муносабатини ва қарашларини очиқ-ойдин намоён қилган, Марказий Осиёга бевосита алоқадор мутафаккирлардан яна бири Умар Хайём тасаввуф тафаккури тарихида чуқур из қолдирган.

²⁸ Форобий А.Н. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Янги аср авлоди, -2016, 17-68-б.

Умар Хайёмнинг тасаввуфга муносабати катор рубоийларида ўзининг ёрқин аксини топган. У Ғиёсиддин, яъни динга кўмакчи деган тахаллусга мушарраф бўлган.

Умар Хайём – ягона Аллоҳ учун назарда тутилган тақдирга эга бўлган шахсий «Мен» билан бирга шахсий ҳаёт ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини ҳам таъкидловчи пантеистдир.

Бобда сўфийлар монистик пантеизми – Ваҳдат ал-вужуднинг бир томондан, теизмга, иккинчи томондан, натуралистик пантеизмга муҳолифликда шаклланиши асосланган.

Пантеизм Аллоҳ ғоясини олам моҳияти ичра сингдириб юбориб, ортодоксал ислом ва тасаввуф таълимоти ўртасида бу масалада ихтилофларни юзага келтирган. XII-XIII аср оралиғида Абуҳомид Ғаззолий таълимоти нафақат мусулмонларнинг теологик қарашларига, шунингдек, ўрта аср яҳудийлари ва насронийларнинг ҳам дунёқарашига кучли таъсир қилиб, кенг тарқалган бўлсада, Эрон ва Марказий Осиёда Ибн Арабийнинг пантеистик фалсафий тизими яна ҳам кўпроқ оммавийлашиб кетган. Алломанинг Аллоҳ ва оламнинг бирлиги тўғрисидаги пантеистик ғояларини «яратилмишнинг борлиги Яратувчи борлигининг моҳиятидир» деган формула билан ифодалаш ҳам мумкин.

Ваҳдат ал-вужуд таълимотига кўра, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассам, моддий олам эса Аллоҳнинг нури, шуъласи. Худо бутун борликни яратиш туради.

Ваҳдат ал-вужуднинг Илоҳий нур, Аллоҳнинг намоён бўлиши – тажалли тўғрисидаги ғоялари Ҳаким ат-Термизий томонидан IX асрдаёқ айтилган эди. Муҳиддин ал-Арабий «сўфийлик қомуси» деб аталган «Футуҳот ал-маккия» асарини яратишда машҳур мутасаввифлар ва илоҳиётчилар қатори ат-Термизий асарларидан ҳам фойдаланган. Буни Дж.Тримингэм ҳам қайд этади²⁹.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Тасаввуфнинг замонавий ҳолати**» деб номланган. Унда тасаввуф анъаналарини давом эттириб келаётган аксарият уламолар, шайхлар, муридлар шариат талаблари асосида тариқатда мумтоз тасаввуф талабларига риоя қилиб келмоқдалар. Уларнинг асосий қисми давлат ички ва ташқи сиёсати доирасида расмий диний ташкилотлар таркибида жамиятда юксак маънавият кўникмаларини шакллантириш учун муқаддас динимиз аҳкомларини оқилона тарзда оммага етказиб, диний эътиқодимиз мусаффолигини таъминлашда олдинги сафларда туриб, ислом тартиб-қоидаларини бузаётганларга қарши оғишмай кураш олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга, ҳозирги замонда тариқатчиликда юз бераётган жараёнлар ўрганилиб, шундай хулоса қилиндики, демократик ислохотлар ва диний фаолликнинг ривожидан «сохта сўфийлар»нинг таркиб топиши жараёни кузатилмоқда. Бу таркибларнинг баъзилари охир-оқибат ўз

²⁹ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. –М.: София ИД Гелиос, 2002, 306 -с.

ташкilotчиларининг ғаразли ниятларига ёки очикдан очик динда адашишга бориб тақалаётган илдизлари ва манбалари тадқиқ қилинган. «Ғариқатчилик» номи остида кўпроқ уларнинг раҳнамолари моддий манфаатлари, ўз тарафдорларининг сафини янада кенгайтириш каби мақсадлар яширинган. Уларнинг баъзилари етарли диний билимга эга бўлмаганликлари сабабли ўз нуқтаи назарлари, хислатларини, янгиликларини асослаш учун Қуръони карим матнидан, ҳадисларнинг моҳиятидан атайин ажратиб олиб талқин қилаётганлари аниқланди ва илмий ишда жамият аъзоларининг бундай кўринишларга тегишли муносабатини шакллантириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Замонавий тариқатчиликда буюк сўфийлар томонидан қаттиқ танқид қилинган камчилик ва тушунмовчиликларнинг баъзи пирлар, муридлар томонидан яна қайтарилаётгани қайд қилинди. Ўз шайх ва пирлари шахсини ҳаддан ташқари кўкларга кўтариб мақташ, уларнинг маънавий, важдий қобилиятлари тўғрисида муболаға қилиш Аллоҳга эмас шахсга сифинишга олиб келиб, исломда энг оғир гуноҳ – ширкка сабаб бўлиши мумкин. Уларнинг баъзи диний масалаларда адашаётганликлари, кибрга берилиб кетаётганлари ёки улар тутган йўл ҳеч қандай диний асосга эга эмаслиги расмий диний ташкilotлар, мутахассислар томонидан аниқланиб, тегишли ҳужжатларга суянилган ҳолда тўғри йўл билан Ҳаққа етишиш мумкинлиги тушунтириб борилмоқда.

Расмий диний идоралар, диншунос олимлар томонидан мумтоз тасаввуф моҳиятини тўғри тушунтириш, баъзи мутахассис бўлмаган шахсларнинг ислом аҳкомлари ва арконларини ўз-ўзича талқин қилишларининг олдини олиш учун тегишли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда нақшбандия-муҷаддидия-хусайния, нурсафардия, «қорасаллалар», «маърифатчилар» фаолиятдан тегишли мисоллар келтирилмоқда. Улар тадқиқ қилиниб, ёш йигит-қизларнинг бундай уюшмаларга кириб қолишининг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бобда тасаввуф таълимотининг диний бағрикенглик ғоялари қуйидагиларда намоён бўлиши асосланган:

биринчидан, диний, шунингдек, сўфиёна кадриятлар жамият тараққиётини таъминлашга ёрдам беради;

иккинчидан, Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган, дин давлат ишларига аралашмаганидек, давлат ҳам диний идоралар, ташкilotлар ички ишларига аралашмайди. Аммо бу дин ва диний идоралар, эътиқод қилувчилар истаган ишини қилиши, давлат сиёсатига ва жамият ҳаётига зид муносабатда бўлиши мумкин деган фикрга олиб келмаслиги зарур;

учинчидан диний бағрикенглик деструктив гуруҳларга, фундаментализм ва терроризмга хушомад, ён босиш эмас, у муайян хатти-ҳаракатлар ҳамда ғоявий қарашларни ижобий ёки салбий характерга эга эканини ажрата олишга хизмат қилиши лозим;

тўртинчидан, миллатлараро муносабатларда динга, диний кадриятларга таяниш виждон эркинлиги орқали таъминланади. Қайси динга эътиқод

қилиш, қандай диний қадриятларни эъзозлаш, тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш шахснинг конституцион ҳуқуқидир;

бешинчидан, дин ва мумтоз тасаввуф тариқатлари эришган тарихий-маданий, ижтимоий-ахлоқий тажрибалардан фойдаланиш конструктив аҳамиятга эга. Лекин динда консерватив ва догматик унсурлар ҳам борлигини, улардан деструктив кучлар ҳам фойдаланиши мумкинлигини назарда тушиш зарур.

Давлатни ривожлантириш стратегияси ва маънавият бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисини тақозо этади. Уларни пухта ўрганиб, ҳар томонлама таҳлил қилиб, яратувчи ғояларни бузғунчиларидан ажрата билиб, бирини ўзига сингдириш, иккинчисига қарши курашиш, бугунги мураккаб шароитда ёшлар адашмасликлари учун тўғри тарбиялаш жамият олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўсиб келаётган авлодни Имом Бухорий, Нақшбандий ва Яссавийлар таълимоти асосида тарбиялашда буюк аждодларимиз амал қилган ва бизларга ҳам тавсия этилган ислом дини билан ислом ниқоби остидаги ғаразли гуруҳларнинг туб мақсадларини ажрата оладиган даражада билимлар билан таъмин этиш зарур.

Фақат моддий манфаатларни кўзлаш мақсади билан яшаш, яъни прагматизмни мутлақлаштириш жамият норасолигининг белгисидир. Диний эътиқоднинг муҳим мажбуриятлардан бири – бу ҳар бир киши учун жамият ҳаётида мавжуд муаммоларини ҳал қилишга фаол иштирок этиш, инсонлар ўртасида ўзаро дўстона муносабатларни ўрнатишга, аҳиллик, бағрикенглик ҳис-туйғуларининг кундалик ҳаётимизда одатий эҳтиёжга айланишини таъминлашдир.

Инсоннинг бу масалага масъулият билан ёндашиб, уни ҳал қилишга фаол иштирокига эришилса, жамиятнинг эзгулик сари интилишига ва қадимдан сўфийларнинг олий мақсади бўлмиш комилликка даъват давлатнинг баркамол авлод шахсини шакллантириш сиёсатини амалга оширишнинг таркибий қисмига айланади.

Ватанимизда бунинг учун халқаро ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, барча тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва улар оғишмай амалга оширилмоқда. Натижада, ўзбек халқи, барча миллатлар, динлар вакиллари Ўзбекистонда осойишта ҳаёт кечириб, демократик тамойиллар асосида янги – фуқаролик жамиятини яратишга баҳамжиҳат интилмоқдалар.

Давлат мустақилликни мустаҳкамлаш шартларидан бири – инсонда комиллик сифатларини тарбиялаш Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир. Бу буюк ишнинг долзарблиги ва аҳамияти, уни амалга оширишнинг йўллари Ўзбекистон Республикаси асосчиси И.А.Каримов ва Президентимиз Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг, нутқ, доклад, халқ билан мулоқотлари давомида ўтган суҳбат, саволларга жавобларида, табрик, фармонларида батафсил баён этилган. Жамиятда диний ва дунёвий мутаносибликка эришилаётгани ўзбек халқи танлаган тараққиёт йўлининг

тўғрилигидан далолат беради. Мустақиллик йилларида сиёсий-иқтисодий-маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида эришилаётган улкан ютуқлар эса бунинг инкор қилиб бўлмайдиган исботи бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган сиёсат воситасида диний, жумладан, тасаввуф қадриятлари ҳам тўғри йўлда ривожланиши учун яратилган имкониятлар тадқиқ қилинган.

1990–2016 йиллар мобайнида дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 54 та қарори қабул қилинган бўлса, фақат 2017 йил давомида дин ривожини таъминлашга йўналтирилган ўнлаб ҳужжатлар қабул қилинди, диний таълимни кенгайтириш мақсадида бир қанча олий, ўрта махсус таълим муассасалари очилди.

Миллий-маданий-диний тотувлик муносабатларни шакллантириш бўйича ўзбек халқи томонидан орттирилган тажриба ва эришилган ютуқлар тадқиқ қилинган, уларнинг халқаро аҳамиятга эга эканлиги, бошқа давлатларга ҳам ижобий намуна сифатида тавсия этилса, айти пайтдаги мусулмон оламининг айрим ҳудудларида рўй бераётган диний терроризм, экстремизм, фундаментализм каби таҳликали ҳолатларни бартараф қилиш, келажакда уларнинг олдини олиш имкониятлари яратилиши мумкин.

ХУЛОСА

1. Тасаввуф ўз моҳияти билан диний-ирфоний ва ахлоқий фалсафий таълимот. Аллоҳ, олам, табиат, инсон тўғрисидаги онтологик масалалар тасаввуф таълимотидаги бош муаммо, ғоя сифатида қабул қилингани унинг фалсафий моҳиятини белгилайди. У Аллоҳни ва унинг яратикларини англашда рационал тафаккур билан бир қаторда иррационалистик тамойилларни ишлаб чиқди ва ижтимоий онгга сингдирилди;

2. Тасаввуф ўз даврининг фалсафий қарашлари билан кўшилиб, диний ҳурфикрликнинг кўринишларидан бири сифатида юзага чиққан;

3. Тасаввуф мусулмон жамоаларининг зарурий эҳтиёжларига жавоб бера олгани учун ислом мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ва маданиятнинг таркибий қисми сифатида таракқий этган;

4. Тасаввуф таълимотидаги муҳим мавзулардан бири инсон ва унинг имкониятлари тўғрисидаги қарашлардир. Ҳаққа эришиш ва баркамол инсон ҳақидаги қарашларни уйғунлаштириб у бетакрор ғояга айланган, комил инсонни шакллантиришнинг сўфиёна тамойиллари ишлаб чиқилган. Улар негизида баркамоллик тамойиллари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган;

5. Жаҳон фанининг сўнгги ютуқлари, хусусан Синергетиканинг илмий тамойилларидан ваздий таълимот бўлган тасаввуфни ўрганишга жорий қилиниши фалсафанинг асосий масалаларига ёндашувнинг бири-бирига қарама-қарши бўлган материалистик ва идеалистик позицияларнинг яқинлашувига имкон яратилади. Тадқиқот шуни кўрсатдики,

синергетикадаги ўз-ўзидан ташкилланиш, нозизиқлилиқ, аттрактор, бифуркация, флуктуация, диссипатив ҳолат, хаосдан пайдо бўлиб, тартибланиш ва яна унга қайтиш каби тамойиллар комил инсон шахсини тарбиялаш тизимида ҳам мавжуддир;

6. Тасаввуфнинг диний-ирфоний ва ахлоқий-фалсафий таълимот сифатида шаклланиши босқичларида турли хил диний оқимлар, қарашлар ва таълимотлар ўртасида ғоявий курашлар борган. Лекин Нақшбандия, Кубровия каби тариқатлар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топган, ислом дини билан бирга жаҳонда тобора кенг тарқалиб бормоқда;

7. Ислом оламида маънавий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида, Ўрта Шарқ Уйғониш даврининг қарор топишида Марказий Осиёдан чиққан мутафаккир сўфийлар ҳам катта роль ўйнадилар. Машҳур алломалар Ҳаким Термизий, Имом Ғаззолий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб донишмандлар ислом илмлари ва тасаввуф таълимотини юксакликка кўтарганлари тўғрисидаги тарихий ҳақиқатни бутун дунё олимлари яқдиллик билан тан олдилар;

8. Ўзбекистон тарихида ўз вақтида ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнаган мутафаккирлар, масалан, ўз даврида эл орасида шайхушшуюх (шайхлар шайхи) унвонини олган Муҳаммад Сайф Фарғоний ҳаёти ва ижодий мероси мусулмон оламида ўрта асрларда тасаввуф илми ривожига кўшган ҳиссалари илк бор ёритилган.

9. Тасаввуф ўзининг ижтимоий, маънавий-мафкуравий хусусияти билан диний ва этник бағрикенгликни ифодалагани учун бу таълимот ислом дини ғояларининг жаҳон халқлари орасида кенг ёйилишига ёрдам берди.

10. Турли тариқатлар фаолиятини объектив ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш, тарғибот-ташвиқот ишларида расмий давлат ва диний идоралар ходимларини, ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ тизимлар, ўз-ўзини бошқариш органлари, барча зиёли педагогларни бунга жалб қилиш лозим. Бунда эътиқод масалаларида адашган ёшлар билан индивидуал ишлаш усулини қўллаш, экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолган шахсларнинг фарзандлари жамиятда яққаланиб қолишига йўл қўймаслик, уларни ижтимоий ҳаётга ижтимоий фойдали иш фаолиятига, оммавий маданий-маърифий тадбирларда, маҳаллаларда тўй-маракаларда, спорт мусобақаларида иштирок этишларига эришиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tar/F/Fil.14.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА НАУК (DSc) ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ИСЛАМСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАМАТОВ МАМАДЖАН АХМАДЖАНОВИЧ

**ИСТОРИКО-ФИЛОСОФСКАЯ СУЩНОСТЬ СУФИЙСКОГО
УЧЕНИЯ**

09.00.03 – История философии, 07.00.04 – Религиоведение

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)

Ташкент – 2018 год

Тема диссертации доктора философских наук (DSc) по философским наукам зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Fal11.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу (www.ziynet.uz)

Официальные оппоненты:

Нурматова Мукаррам

доктор философских наук, профессор

Шодиев Рустам

доктор философских наук, профессор

Останакулов Икромиддин

доктор исторических наук, доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится 20 февраля 2018 года в 14:00 часов на заседании Научного совета № DSc.27.06.2017.Tag/F/Fil.14.01 при Ташкентском исламском университете. (Адрес: 100011, г.Ташкент, ул.А.Кадыри, дом №11, Тел.: (99871) 244-96-53, Факс: (99871) 244-00-65, e-mail: tiuxab@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского исламского университета (зарегистрирована под № 48. Адрес: 100011, г.Ташкент, ул.А.Кадыри, дом №11, Тел.: (99871) 244 00 91.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2018 года)

А.А.Хасанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

Д.А.Рахимджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н., доцент

С.С.Агзамходжаев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Религиозно-просветительское учение - суфизм, сыграл важную роль в в распространения исламской культуры и цивилизации. Его идеи совершенного человека, религиозно-этические нормы, указывающие пути формирования высоких нравственных черт, демонстрирующие гуманистическую сущность ислама, призывали людей к добру, созиданию, участию в развитии общества, сосуществованию в согласии и мире с представителями других религий и конфессий. Распространение ислама как религии, вносящей достойную лепту в мировую цивилизацию, связано с суфийским учением. Потому что, в нашей стране беспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики»¹ определены как принципиальные стратегические задачи,

За годы независимости в целях изучения и пропаганды передовых идей суфизма, возникшего в недрах священного ислама, Начался новый этап углубления демократических процессов. За последние годы правительством Республики Узбекистан принят ряд важных документов и осуществлены определенные мероприятия. Начали действовать Исламская академия Узбекистана, учрежден международный Центр исламской культуры, в Бухаре создана школа по изучению суфизма. Отмечены юбилеи таких известных суфиев как Бахаутдин Накшбанд, Хожа Ахрор Валий Нажмиддин Кубро, Абдухолик Гиждувоний. Опубликованы многие произведения из творчества крупных представителей суфийского учения.

Во всех демократических государствах мира отмечено право граждан на свободу совести. Поэтому постоянное совершенствование деятельности государственной власти, органов управления, институтов гражданского общества общественных, негосударственных и некоммерческих организаций дальнейшего духовного роста граждан, исследование развития религиозных отношений, укрепления взаимного сотрудничества между представителями различных вероисповеданий, вопросов обеспечения межрелигиозного согласия в условиях многоконфессиональности является одной из важных проблем философской науки. Достижения многонационального Узбекистана по развитию религиозных толерантных отношений, разрешению межнациональных проблем на основе консенсуса, глубокому анализу и учету интересов и потребностей представителей различных наций и религий и нахождению научных решений существующих проблем поддерживается мировым сообществом. Все это является доказательством изучения истории народа за годы независимости, «Восстановления нашей священной религии, национальных ценностей, памяти и наследия великих предков,

¹ Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева 19 сентября 2017 года на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций // «Народное слово», 2017 год 20 сентября.

благоустройства святых мест»². Руководитель нашей Республики, продолжая предложения, высказанные на 72 сессии Генеральной ассамблеи ООН, о том, что важнейшей задачей является «Довести до широких масс мировой общественности подлинно гуманистическую суть ислама»³, в своем обращении Олий Маджлису, определил приоритетные направления в сфере обеспечения религиозной толерантности, что является и одной из основных принципов суфизма⁴.

Данная диссертация в определенной степени послужит выполнению задач отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № 4947 от 7 февраля 2017 года, «О мерах по организации Международного научно-исследовательского центра Имама Термизи» № 2774 от 14 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан от 23.06.2017 года «О мерах по организации Центра исламской цивилизации в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан» № ПП-3080 от 23 июня 2017 года, и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий республики V1. – «Исследование национальных, литературных, исторических и религиозных ценностей, национальной идеи, эстетико-художественного воспитания, культуры, материального и не материального культурного наследия, истории национальной государственности в процессе реформ и модернизации общества».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁵.

В мировых научно-исследовательских центрах ведутся работы по таким темам как защита свободы совести, в целях развития межконфессионального согласия и межнациональных отношений происхождение, эволюция и трансформация религиозных мировоззрений, динамика влияния религиозно-культурных процессов на геополитику и межнациональные отношения; вопросы взаимосвязанности культуры и цивилизаций, народов и культур; историко-философские, духовно-просветительские задачи религии и ее составной части - суфийского учения, синкретическое влияние гуманистических подходов на процесс культурной глобализации.

² Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз такдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик.Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. //Ҳидоят, –Тошкент. 2017. –№ 6. 7-б.

³ Мирзиёев Ш.М Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи. /Халқ сўзи, -Тошкент, 2017. 20 сентябрь.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаати. /Халқ сўзи, Тошкент. 2017.-№ 258 (6952).

⁵ <https://www.gwu.edu>, <http://www.hsfk.de>, <https://uzbekistan.fr/en/uzbekistan-france>, www.ucentralasia.org, www.nti.org, <https://www.auca.kg>, www.iips.org, www.nira.org, www.cbs.dk/en, www.leeds.ac.uk, nirc.nanzan-u.ac.jp/en/publications, <https://ru.wikipedia.org><https://ru.wikipedia.org><https://ru.rags.ru>, <https://ru.dugin.ru>, www.useoul.edu, www.dba.uz, <http://www.damasuniv.edu.sy>; <http://www.darelom.cu.edu.eg>; <http://www.isam.org.tr>; <http://www.kazankiu.ru>; www.uzhistory.uz, www.nuu.uz. и др.

